



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 25 октябрь, № 220 (9115)

Шанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ КУН ТАРТИБИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ТАРИХИЙ БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйеннинг таклифига биноан 23-24 октябрь кунлари расмий ташриф билан Брюссель шахрида бўлди.



Президент Шавкат Мирзиёев Бельгияга расмий ташрифи доирасида 24 октябрь куни Европанинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан давра суҳбати ўтказди.

Учрашувда Европа Иттифоқининг кенгайиш бўйича комиссари Марта Кос, “Vandewiele”, “Linde”, “Rhenus Logistics”, “Ahlers Logistics”, “Lasselsberger Group”, “Pietro Fiorentini”, “NextChem”, “Meridiam”, “SUEZ”, “FMO”, “European Investment Bank”, “Commerzbank”, “KfW”, “Textima”, “Chimcomplex”, “Metso” ҳамда бошқа компания ва корпора-

цияларнинг раҳбарияти иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари тадбирда Европанинг етакчи компаниялари иштирок этаётгани ўзаро юксак ишонч ва узоқ муддатли шерикликка интилишнинг ифодаси эканини алоҳида таъкидлади.

Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги муносабатларда янги даврни бошлаб бериши қайд этилди.

Кейинги етти йилда товар айирбошлаш икки баробар кўпайди,

Европа сармояси иштирокидаги кўшма корхоналар сони мингдан ошди. Бу кўрсаткичлар инвесторларнинг Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларга ишончи ортиб бораётганидан далолат беради.

Европалик ҳамкорлар Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация ва тубдан ислоҳ қилиш, илгор технологиялар, корпоратив бошқарув стандартларини жорий этиш ҳамда инновацион ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўмаклашаётгани қайд этилди.

Президентимиз инсон капиталини

ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Ёшларнинг олий таълим олиш имкониятлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Янги олий ўқув юртлари ташкил этилди, хорижий университетларнинг филиаллари очилди, европалик ҳамкорлар билан қўшма таълим дастурлари амалга оширилмоқда.

Учрашувда давлатимиз раҳбари ҳамкорлики янада чуқурлаштиришнинг тўртта муҳим йўналишини кўрсатиб ўтди.

Ўзбекистон стратегик хомашё ва минералларни ўзлаштириш ва чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни биргаликда амалга оширишдан манфаатдор.

“Яшил” иқтисодиёт ва кимё саноати ҳам ҳамкорлик учун истикболли йўналишлардир. Мамлакатимиз қайта тикланадиган энергетикани фаол жорий этмоқда, энергетика тизимини модернизация қилмоқда. Европалик ҳамкорларга “яшил” энергетика, энергия тежаш ва экологик кимё лойиҳаларида иштирок этиш таклиф қилинди.

Инфратузилма ва логистикани ривожлантириш ҳам устувор аҳамиятга эга экани кўрсатиб ўтилди. Ўзбекистон автомобиль ва темир йўллари ҳамда аэропортларни ўз ичига олган транспорт тармоғини модернизация қилмоқда. Мамлакатимиз транзит йўналишларини ривожлантириш, Европа ва Осиёни боғлайдиган замонавий логистика марказларини барпо этиш бўйича кўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёр.

Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон IT-парклар ва стартап инкубаторла-

рини ривожлантирмоқда ҳамда Европа компаниялари билан сунъий интеллект ва киберхавфсизлик соҳаларида ҳамкорлик қилишга тайёр.

Давра суҳбати иштирокчилари, ўз навбатида, мамлакатимизда инвестициялар учун яратилган шаффоф ва барқарор шароитларни юқори баҳоладилар ҳамда юртимизда янги кўшма лойиҳа ва ташаббусларни амалга оширишда иштирок этишга тайёр эканликларини тасдиқладилар.

Шунингдек, Брюссель шахрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен иштирокида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Хужжат 1996 йилги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга асосланган Ўзбекистон — Европа ҳамкорлигининг ҳуқуқий базасини янгилайди ҳамда сезиларли даражада кенгайтиради.

Янги Битим лойиҳаси бўйича музокаралар 2019 йил февраль ойда бошланиб, 2022 йил июль ойда якунланган. Хужжат 2022 йил 6 июль куни Брюссель шахрида парафирланган эди.

Битим 9 та бўлим, 356 та модда ва 14 та иловадан иборат. У икки томонлама муносабатларнинг деярли барча соҳаларини қамраб олади ҳамда сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо ва инвестициялар, барқарор ривожланиш, фан ва таълим, инновациялар ва юқори технологиялар, атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришига алоҳида эътибор қаратган ҳолда

барча ўзаро манфаатли йўналишларда ҳамкорлиқни ривожлантириш учун кенг қамровли ҳуқуқий асосни шакллантиради.

Битимнинг имзоланиши Ўзбекистон ва ЕИ муносабатларида янги босқични бошлаб беради ҳамда кўп қиррали шериклиқни мисли кўрилмаган юксак даражага олиб чиқади.

Брюсселдаги Европа кенгаши бош қароргоҳи — “Европа” биносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен билан учрашуви бўлиб ўтди.

Жорий йил апрель ойда Самарқанд шахрида ўтган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити якунида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида кўп қиррали Ўзбекистон — Европа ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Етакчилар бугун имзоланган Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги тарихий битимни юқори баҳоладилар. Ушбу кенг қамровли хужжат Ўзбекистон билан ЕИ ҳамкорлигининг нафақат ҳуқуқий асосларини кенгайтириши, балки янги кун тартибини шакллантириши таъкидланди.

Шунингдек, Битим бирлашмага аъзо давлатлар билан, энг аввало, савдо, инвестициялар, транспорт, энергетика, иқлим, юқори технологиялар ва маданий-гуманитар ҳамкорлик соҳаларидаги алоқаларга кучли суръат бағишлайди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА

Хурматли ички ишлар тизими ходимлари!

Қадрли офицер ва генераллар, сержант ва сафдорлар!

Мухтарам фахрийлар!

Сиз, азизларни 25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари кун билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ушбу кулгў айёмда, аввало, Ватан олдидаги муқаддас қасамёдингизга доимо содиқ қолиб, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлида ўз зиммангиздаги ғоят муҳим вазифаларни юксак масъулият билан адо этиб келаётганингизни алоҳида таъкидлашни истардим.

Сўнгги йилларда ички ишлар органларини чинакам халқчил тузилмага айлантириш борасида амалга ошираётган кенг кўламли ислохотларимиз натижасида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик муҳитини ишончли таъминлаш бўйича мустаҳкам замин яратилди.

2025 йилда “**Хар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш**” барча даражадаги раҳбарлар учун энг устувор вазифа этиб белгиланди. Шу мақсадда жиноятлар содир этилиши нуқтаи назаридан вазияти оғир бўлган маҳаллаларга ички ишлар органлари билан биргаликда барча мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот тизимидаги олийгоҳлар бириктирилиб, уларнинг жойлардаги кундалик манзилли фаолияти ва хавфсиз муҳит яратишга қаратилган “ягона фаолият занжири” яратилди.

Ушбу тоифадаги маҳаллалар кичик ҳудудларга бирлаштирилиб, уларда “тезкор ёрдам” функциясини бажарадиган ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этил-

ди, мигрантлар ва ёшлар билан ишлаш бўйича алоҳида ташкилий-профилактик механизмлар шакллантирилди. Профилактика, тезкор-қидирув, патруль-пост, йўл-патруль ва қўриқлаш хизмати инспекторларининг биргаликдаги фаолияти йўлга қўйилиб, улар “маҳалла еттилиги” ва аҳоли билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, ижтимоий дастурлар ҳамда ҳуқуқий-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги тадбирлар натижасида йил давомида жами маҳаллаларнинг **ярмидан кўпида** жиноят содир этилмади, **ёшлар, аёллар ва ишсизлар ўртасида жиноятчиликнинг** кескин камайишига эришилди.

Ўз навбатида, соҳада замон талабларига мос равишда самарадорликка эришишга қаратилган янгича ишлаш амалиёти қарор топмоқда. Хусусан, ички ишлар органларининг **рақамли инфратузилмасида** трансформация жараёналари бошланди, жамоат хавфсизлигини таъминлаш амалиётига **сунъий интеллект** имкониятлари кенг татбиқ этилмоқда.

Қисқа муддатда вазирилик ва идораларнинг қирққа яқин маълумотлар базаси билан интеграциялашган “Хавфсиз шахар” ягона платформаси яратилди, 20 дан ортиқ янги ахборот тизимлари ишга туширилди, “Ягона мигрант” ахборот базаси ёрдамида узоқ вақт хорижда юрган шахслар билан манзилли ишлаш тизими йўлга қўйилди.

Дунё миқёсида тобора кучайиб бораётган **кибержиноятларнинг** таҳдид ва таъсиридан мамлакатимизни ишончли ҳимоя қилиш, айниқса, аҳолиимизнинг улар-

дан жабрланишига йўл қўймаслик бўйича комплекс механизмлар жорий этилмоқда. Табиийки, бу соҳада замонавий профессионал кадрларга бўлган талабни оширмоқда.

Шу жиҳатдан 2025-2026 ўқув йилидан бошлаб Ички ишлар вазирилиги Академиясида дуал таълим жараёни ва инновацион педагогик технологиялар асосида “**Рақамли технологиялар соҳасида жиноятларга қарши курашиш фаолияти**” йўналишида малакали кадрлар тайёрлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилгани муҳим қадам бўлди.

Хурматли соҳа ходимлари! Жиноятларнинг барвақт олдини олиш, маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш орқали халқимиз ҳаётини янада осяишта ва файзли қилишга қаратилган ҳаракатларимизни биз бундан буён ҳам **устувор даражада изчиллик билан давом эттирамиз**. Бунда “маҳалла еттилиги” имкониятларидан самарали фойдаланиш, оила, таълим муассасаси, маҳалла фаоллари ва давлат идоралари ўртасида узвий ҳамкорлиқни таъминлашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Биз замон талабларини ҳисобга олиб, ички ишлар органларида жиноятчиликка қарши курашиш жараёнини рақамли технологиялар имкониятларини кенг жорий этган ҳолда ташкил этиш, киберфирибгарлик ва киберўғриликларга чек қўйиш бўйича ишларни янгича ёндашувлар асосида янада фаоллаштирамиз.

Бутун жаҳонда гиёҳвандлик балоси, асосан, вояга етмаганлар ва ёшларни ўз домига тартаётгани ҳаммамизни огоҳликка ундаши зарур. Ушбу иллатдан **миллий генофондимизни асраш** мақсадида

уюшган наркотиқсизликка бутунлай чек қўйиш борасидаги ҳаракатларимизни янги босқичга олиб чиқишимиз, тезкор-профилактик ва тергов фаолиятини манзилли ташкил этишимиз керак.

Ишончим комил, ана шу устувор йўналишларда сафарбарликни кучайтириб, биргаликда ҳаракат қилиб, ишимиз самарасини кескин оширсак, халқимизнинг чинакам розилигига эришамиз.

Азиз дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларга Ватанимиз ва халқимиз тинчлиги йўлидаги садоқатли ва фидокорона хизматингиз учун самимий миннатдорлик билдираман.

Ушбу шонли айёмда эл-юрт тинчлиги йўлида ҳалок бўлган мард ва жасур соҳа ходимларининг хотирасини ҳурмат билан ёдга олиб, уларнинг оилалари ва фарзандларига эзгу тилакларимизни йўлаймиз.

Ҳеч шубҳасиз, ички ишлар органлари ходимларининг меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, замонавий иш шароитлари, зарур техник воситалар билан таъминлаш, малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалалари доимо эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Сизларни бугунги шуқуҳли байрам билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик, масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз ички ишлар органларидаги кўп йиллик самарали хизмати, юртимизда жамоат хавфсизлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, жиноятчиликка қарши курашиш, профилактика ишлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлидаги ибратли фаолияти, ўз бурчини шараф ва масъулият билан адо этиб, мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб келаётгани, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Ашропов Рамазон Ахматхўжаевич — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари

«Мардлик» ордени билан

Торебеков Бахтияр Исмандиярович — Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири

Хусанов Илёс Пардаевич — Қашқадарё вилояти Қашаши тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

«Дўстлик» ордени билан

Махмудова Мария Степановна — Тошкент шаҳар Юнусобод тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими катта эксперти

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ташходжаев Улугбек Шухратович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаменти бошлиғи
Хатамов Рустам Абдуганиевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғи

«Жасорат» медали билан

Аббасов Авлиё Исраилхонович — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Каримкулова Сайёра Худратовна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш колонияси кичик инспектори

Хайтов Абдунайим Хайруллаевич — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси катта тезкор вакили

Худайназаров Санжар Фарходович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Аббасов Рустам Абдуллажонович — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлигининг маслаҳатчиси

Исаев Истам Қорёғдиевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм гуруҳ командири ўринбосари

Махмудов Хуршид Хусанович — Жиззах вилояти Ша-роф Рашидов тумани ички ишлар бошқармаси пробация гуруҳи инспектори

Машарипов Атабек Султанбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

Мирзажанов Муҳаммаджон Комилжанович — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бўйича Ички ишлар орган-лари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси про-филаксия катта инспектори

Таганов Расулбек Собирович — Хоразм вилояти Ур-ганч шаҳар ички ишлар бошқармаси патруль-пост хиз-мати отряди бўлинма командири

Уралов Жаҳонгир Маматкулович — Сирдарё вилоя-ти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Холматов Баҳодир Фозилович — Фарғона вилояти Марғилон шаҳар ички ишлар бўлими катта тезкор вакили

Чориев Шухрат Амирович — Қашқадарё вилояти Яккабўғ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

Шамалов Тўйчибай Дехкамбаевич — Тошкент ви-лояти Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизма-ти отряди инспектори

Эгамова Дилфуза Раббимкуловна — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси хузуридаги тергов бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси

«Шухрат» медали билан

Жуманов Тўлқинбой Сатторович — Ўзбекистон Рес-публикаси Ички ишлар вазирлиги департамент бошлиғи ўринбосари

Култураев Уткир Куйлиевич — Сурхондарё вилояти Денов тумани ички ишлар бошқармаси бўлинма бош-лиғи

Хасанов Дилшод Уктамжонович — Тошкент вилоя-ти Ўрта Чирчиқ тумани ички ишлар бўлими профилакти-ка катта инспектори

Худойбердиев Шерзод Сайфуллоевич — Ўзбекис-тон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Самарқанд аэро-портида хавфсизлиқни таъминлаш бўлинимаси бошлиғи

Эрахматов Дилшодбек Режабович — Андижон ви-лояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ба-тальони бўлинма командири

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2025 йил 24 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ КУН ТАРТИБИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ТАРИХИЙ БИТИМ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Томонлар Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзолиги бўйи-ча ЕИ билан икки томонлама музо-каралар якунланганини ҳам олқиш-ладилар.

Барча даражаларда фаол, сер-маҳсул мулоқот ва алмашинувлар амалга оширилаётгани катта мам-нуният билан таъкидланди. Ташриф арафасида Ўзбекистон делегация-си Европа Иттифоқининг "Глобал дарвоза" иккинчи форумида ишти-рок этди. Яқинда эса Ҳамкорлик кенгаши ҳамда Иқтисодиёт, савдо ва инвестициялар бўйича кичик кўмига йиғилишлари муваффақият-ли ўтказилди.

Куни кеча йирик қўшма бизнес форуми ўтказилган бўлса, бугун Ев-ропанинг етакчи компаниялари ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди. Улар на-тижасида энергетика, кимё, муҳим минераллар, логистика, тўқимачи-лик ва фармацевтика тармоқлари-да умумий қиймати 10 миллиард евродан зиёд бўлган янги лойиҳа-ларни амалга оширишга келишиб олинди. Бу Европа компаниялари иштирокидаги умумий қиймати 40 миллиард евродан зиёд бўлган ҳозирги лойиҳалар портфелига сал-моқли қўшимчадир.

Шериклиқнинг юқори суръатини сақлаб қолиш учун ҳамкорлиқнинг институционал механизмларини янада мустаҳкамлаш, инвестиция-

лар, муҳим минераллар, энергетика, транспорт, фан ва таълим соҳа-ларида янги истикболли лойиҳалар-ни амалга ошириш зарурлиги таъ-кидланди. Ишбилармонлик ва гума-нитар алоқаларни мустаҳкамлаш учун виза тартиботларини содда-лаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Етакчилар халқаро кун тартиби ва минтақавий ҳамкорлиқнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Учрашув якунида Қўшма баёнот қабул қилинди.

Брюссель шахрига расмий таш-риф доирасида Лакен саройи-да Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бельгияликлар Қироли Филипп бил-лан учрашуви бўлиб ўтди.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Халқаро ва мин-тақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр ал-машдилар.

Қирол Филипп Ўзбекистон етак-чининг ЕИ раҳбарияти билан му-зокараларининг якунларини юксак баҳолаб, мамлакатимиз етакчи-сини Европа Иттифоқи билан Кен-гайтирилган шериклик ва ҳам-корлик тўғрисидаги тарихий битим имзолангани билан самимий таб-риклади.

Ўзбекистон — Бельгия муноса-

батлари изчил ривожланиб бораёт-гани мамнуният билан қайд этил-ди. Вазирлар даражасида фаол мулоқотлар йўлга қўйилган, сиёсий маслаҳатлашувлар мунтазам ўтказилмоқда, икки мамлакат пар-ламентларида дўстлик гуруҳлари ташкил этилган.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Тошкент ва Кортрейк, Самарқанд ва Льеж шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилди. Кортрейкда буюк аллома бобомиз Абу Али ибн Синонинг бюсти очилди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда, Бельгия компаниялари Ўзбекистонда, хусусан, тўқимачи-лик, логистика ва хизмат кўрсатиш соҳаларида муваффақиятли иш олиб бормоқда. Ўтган йили Тош-кентда Бенилюкс мамлакатларининг савдо палатаси очилди.

Сўхбат чоғида Бельгия компа-ниялари вакилларининг Ўзбекистон-га ташрифларини ташкил этиш, шу-нингдек, маданий тадбирларни ўзаро ўтказиш муҳимлиги таъкид-ланди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Қирол Филиппни ташриф билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди.

Шу билан Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бельгияга расмий ташрифи якунланди.

ЎзА.

25 октябрь — Ички ишлар органлари ходимлари кун

ХАВФСИЗ ВА СОҒЛОМ ЮРТ — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ВА ДАВЛАТ БАРҚАРОРЛИГИ КЎЗГУСИ

Хар қандай мамлакатнинг тараққиёти унинг иқтисодий қудрати ёки илмий салоҳияти билан бирга, тинчлик ва хавфсизлик ҳам бевосита боғлиқ. Тинчлик бор жойда барча соҳада тараққиёт, маънавий юксалиш ҳамда халқ фаровонлиги таъминланади. Шу боис мамлакатимизда ички ишлар органлари соҳаси давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Кейинги йилларда юртимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузар-ликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ҳамда мулкани ҳимоя қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнларда ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти ва унинг соҳавий хизматлари юрт тинчлиги-нинг асосий таъини сифатида фидокоро-на меҳнат қилаётир. Буни жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида соҳада амал-га оширилган кенг қамровли ишлардан ҳам яққол кўриш мумкин. Ислохотлар эса нафақат рақамларда, балки одамлар ҳаётидаги ижобий ўзгаришларда ҳам на-моён бўлаётгани эътиборга молик.

Жамиятда қонун устуворлигини қафо-латлаш, халқнинг ҳуқуқ-манфаатларини ишончли ҳимоялаш, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, турли ёт гоълар ҳамда таҳ-дидларга қарши қатъий курашиш, бу на-фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган-ларнинг, балки бутун миллатнинг умум-ий бурчига айланди, десак, айни ҳақиқат. Негаки, бугун дунёда турли тах-лика ва синовлар ҳукм сураётган бир пайтда, ҳар қандай хавф-хатарни мил-лий давлатчилигимиз асосларини мус-таҳкамлаган ҳолда халқ бирдамлиги ҳамда яқдиллигида енгиб ўтиш мумкин-лиги ўз исботини топди.

Қонун устуворлиги ва профилактика — барқарорлик гарови

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика хизмати муҳим ўрин тут-тади. Тадбирлар натижасида қриминоген вазияти огир бўлган “қизил тоифа”-даги маҳаллалар сони йил бошидаги 1 108 тадан 613 тагача қолди. Бу на-фақат статистик рақам, балки юзлаб оилаларнинг тинч ҳаёти, фарзандларнинг хотиржам келахаги деганидир.

Профилактика инспекторлари “маҳалла еттичилиги” билан ҳамкорликда 571 минг-дан зиёд фуқароларнинг ижтимоий муам-моларини ҳал этишда амалий ёрдам бер-ди. Бугун ҳар бир маҳаллада фаолият юри-таётган инспекторлар тартиб назоратни таъминлаш билан бирга халқ билан ҳам-нафас, ҳамдард бўлиб хизмат қилмоқда.

Ички ишлар органлари раҳбарларига бириктирилган 17 689 нафар “огир тоифа”даги ёшлар билан олиб борилган индивидуал ишлар натижасида 6 098 та муаммо ҳал этилди. Булар ишга жой-лашиш, таълим, касб-хунар ўрганиш, моддий ёрдам ва субсидия олиш каби масалалардир. Қўплаб ёшлар бундай ғамқўрлик туфайли янги ҳаёт бошлашга имконият топди.

Ҳотин-қизларнинг

ҳуқуқ ва манфаатла-

рини ҳимоя қилиш, уларни таъйик ва зўра-вонликдан асраш борасида ҳам тизимли ишлар амалга ошириляпти. Жорий йилда профилактик ҳисобда турган 4 788 хо-тин-қиз ишга жойлаштирилди, 5 234 на-фарига моддий ва ижтимоий ёрдам кўрса-тилди, 1 157 нафари тадбиркорлик фао-лиятини йўлга қўйди. Шу билан бир-га, 1 271 нафар аёл тиббий диспансер-ларга юборилди, 409 нафари таълим му-ассасаларига қайтарилди, 1 605 нафари-нинг ҳужжатлари тикланди.

Аёлларга тезкор ёрдам кўрсатиш мақ-садидида “Ишонч марказлари” фаолият кўрсатмоқда. Улар орқали 3 588 нафар аёл психологик ва ҳуқуқий ёрдам олди.

Энг муҳими, бу тизим фақат шикоятлар-ни қабул қилиш билан чекланиб қолмай, муаммони ҳал этишга йўналтирилган. Болалар ва хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадидида ишлаб чиқилган “Е-һи́моуа” мобил ахборот тизими эса янги замо-навий восита сифатида самара бера бошлади.

Айтиш жоизки, инсониятни парокан-далик ва тубанликка етакловчи иллат си-фатида қораланадиган гиёҳвандлик ҳар қандай жамиятнинг соғлом пойдеворини емиради. Ушбу иллатга нисбатан бефарқлик ва лоқайдлик нафақат инсон-лар саломатлигига, балки бутун оила, ма-ҳалла ва давлат хавфсизлигига жиддий таҳдид солади. Шу боис гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш ва фож этиш тезкор тадбирларнинг энг устувор йўналиши ҳисобланади.

Хусусан, жорий йилда тезкор тадбир-лар мобайнида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ 2 600 та ҳолат аниқланган бўлиб, ноқонуний муомала-дан 558 кг. гиёҳвандлик воситалари, 376 минг донадан кўп кучли таъсир қилувчи дори воситалари олинди, тарки-бида гиёҳвандлик моддалари бўлган 10 540 туп ўсимлик белгиланган тартиб-да йўқ қилиниб, 1 636 нафар шахс жи-ноий жавобгарликка тортилди.

Мамлакатимиздаги нарковазиятга ги-ёҳвандлик воситалари сотиладиган ин-тернет-дўкон манзили акс эттирилган “наркографити”лар ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Улар аҳолида, айниқса, ёшлар орасида гиёҳвандлик воситалари-га қизиқиш уйғотди. Шу сабабли тад-бир давомида “наркографити”ларни аниқлаш ва ўчириш, уларни чицаётган шахсларни топишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам кучайтирилди. Натижа-да 1 760 га яқин “наркографити” аниқ-



ланиб, барчаси ўчирилди. Уларни чизган шахслар қўлга олиниб, жавобгарликка тортилди.

Жамоат тартиби — тинч ҳаёт кафолати

Юрт тинчлиги ҳар кун, ҳар соат ва ҳар дақиқадаги масъулиятли хизмат са-марасидир. Жамоат тартибини сақлаш хизмати инспекторлари томонидан бутун мамлакат бўйлаб туну кун навбатчилик хизмати йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг 9 ойда республика микёсида ўтказилган 6 164 та сиёсий, 12 204 та маданий ва 9 955 та спорт тадбирида фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартиби муваффақиятли таъмин-ланди. Бу рақамлар ортида минглаб со-атлик хизмат, масъулият ва фидокорлик мужассам.

Йўлларда хавфсизлик — ҳаёт кафо-лати. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хиз-мати ҳам “Хавфсиз ва равон йўл” дас-тури доирасида жадал фаолият олиб бормоқда. Йилнинг 9 ойи давомида 21 266 та янги йўл белгиси ўрнатилди, 9 262 та эски белги янгисига алмашти-рилди, 3,1 миллион квадрат метр йўл чизиклари янгиланди, 375 та светофор қурилмаси ўрнатилди ёки реконструк-ция қилинди, 64 та пиёдалар ўтиш жойи ташкил этилди.

Шунингдек, ИИВ Академияси хузури-да автоматбаб ўқитувчилари ва мураб-бийларини қайта тайёрлаш маркази таш-кил этилди. Бу ташаббус ҳайдовчилар тайёргарлигини янги босқичга олиб чи-киб, йўлларда маданий ва масъулиятни оширишга хизмат қилмоқда.

Пробация хизмати ва рақамлаштириш

Пробация хизмати томонидан жорий йилда 3 195 мартаба “Ишга марҳамат” тадбири ташкил этилиб, 11 818 нафар шахс ишга жойлаштирилди. Шу билан бирга, 7 003 фуқаро касбий ўқишга юбо-рилиб, уларнинг 6 714 нафари хунар эгаллади. Ўз навбатида, бу фуқаролар ҳаётида янги саҳифа очди — қайта жи-ноят содир этиш эҳтимолини камайит-ди, уларни соғлом турмуш тарзига қай-тарди.

Рақамлаштириш — замон талаби ва самарали бошқарув воситаси. Шу боис соҳа фаолиятида рақамли технологиялар кенг жорий этилмоқда. 2020 йилда жа-моат хавфсизлиги бўлиналарида атиги бир ахборот тизими фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 71 тага етди. Барча тизимлар ягона “Е-жамоат хавфсизлиги” комплекс авто-матлаштирилган ахборот тизимига бир-лаштирилди. Департаментда ишлаб чиқилган 67 та ахборот тизими ва мо-дуллардан 57 таси тўлиқ фойдаланишга топширилди.

Умуман, бу янгилıklar нафақат ички ишлар тизими самарадорлигини ошир-ди, балки аҳолининг муурожаатларига жа-воб беришда тезкорлик ва шаффофлик-ни таъминлади.

“Хавфсиз ва соғлом юрт” ойлиги дои-расида олиб борилган профилактик чора-тадбирлар натижасида жиноятчиликнинг сезиларли даражада камайишига эришилди. Хусусан, республикада содир этилган жиноятлар ўтган ойнинг шу давридагига нисбатан 29 фоизга, олди-ни олиш мумкин бўлган жиноятлар эса 39 фоизга камайди. Тадбир давомида амалга оширилган кенг қамровли тез-кор-профилактик тадбирлар қонунбузар-ликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш-га, пировардида жамиятда хавфсиз ва соғлом ҳаёт қадриятларини мустаҳкам-лашга хизмат қилди.

Ўзбекистон — халқаро эътирофда

Ички ишлар тизимида амалга оши-рилаётган кенг қўламли ислохотлар халқаро майдонда ҳам муносиб баҳо-ланмоқда.

Бутун дунёдаги 142 давлатни қамраб олган Ҳуқуқ устуворлиги индексининг “Order and Security” (Тартиб ва хавфсиз-лик) кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон бу-гун 17-ўринни эгаллаб турибди. Бу шу-нақча рақам эмас, бу — халқ тинчлиги, жамият ишончи ва давлатнинг адолатли сиёсатига берилган халқаро баҳо.

Юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровон-лиги — бугунги ва эртанги куннинг энг олий қадрияти. Муқаддас бурчини адо этаётган ички ишлар органлари ходим-лари фидокорлиги, матонати ва садока-ти — Ватан осойишталигининг энг ишончли кафолати.

Ҳар бир фуқаро хавфсизлиқни таъмин-лаш фақат давлат органлари эмас, бал-ки ҳар биримизнинг виждоний бурчимиз эканини англамоғи лозим. Зеро, “Хавф-сиз ва соғлом юрт” гоъси ҳар бир оила-да, ҳар бир маҳаллада, ҳар бир қалба-да қарор топса юртимиз тинчлиги аба-дий, келажагимиз ёруғ бўлади.

Бекмурод АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ички ишлар
вазири ўринбосари, генерал-майор.

Учрашув

Ўзбекистонда ХМТнинг мамлакат офиси очилади

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Женева шаҳрида ўтказилаётган Парламентларо Иттифок 151-ассамблеяси доирасида Халқаро меҳнат ташкилотларинг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директори Беата Андрес билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда тур-ли йўналишларда амалга оширилаёт-ган ислохотлар ҳамда ХМТнинг сўнгги тавсиялари асосида меҳнат қонунчили-гини тақомиллаштириш йўналишида олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр алмашилди.

Б. Андрес давлатимизнинг камба-галлиқни қўсқартириш ва фуқаролар учун муносиб меҳнат шaroитларини яратиш борасидаги қатъий сиёсатини алоҳида эътироф қилди.

Шунингдек, Юрий Штеркнинг катта координатор этиб тайинланиши ҳамда

Ўзбекистонда ХМТнинг мамлакат офи-сини очиш ташаббуси узоқ муддатли ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам сифатида қайд этилди.

Сўхбат чоғида 2026 — 2030 йил-ларга мўлжалланган Муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурини ишлаб чи-қиш, шунингдек, иш бераувчилар, ка-саба уюшмалари ва меҳнат инспек-цияси мутахассисларининг малакаси-ни ошириш борасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари ҳам қўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Мулоқот

Ўзбекистон ва Германия: Парламентлараро ҳамкорлик истикболлари

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Агзамходжаев Германия Федератив Республикаси Бундестагининг Ташқи ишлар қўмитаси аъзоси Штефан Майер бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Унда икки томонлама ҳамкорлиқни кенгайтириш, “Германия — Марказий Осиё” парламентлараро дўстлик гуруҳи билан қўшма тадбирлар ташкил этиш, шунингдек, савдо-иқтисодий, инвести-циявий, туризм ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни фoлоллашти-риш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Гер-мания ўртасидаги стратегик шериклик ҳар томонлама фoл ривожланаётга-ни таъкидланди.

Ўз навбатида, Ш. Майер Ўзбекис-тон Германиянинг Марказий Осиёда-ги ишончли ҳамкори эканини таъкид-

лаб, мамлакатимизда ижтимоий-иқти-содий, қонунчилик ва ҳуқуқ, фуқаро-лик жамияти ҳамда аҳоли фаровонли-ги соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни юқори ба-ҳолади.

Учрашув якунида икки томонлама ва кўп томонлама форматдаги тадбирлар доирасида ҳамкорлик ва ҳамфирқлик алоқаларини қўллаб-қувватлаш, пар-ламент вакиллари ўртасида қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назора-тини амалга оширишда таҳриба ал-машиш юзасидан келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».

Пресс-тур

Наркотикларнинг ноқонуний тарқалишига қарши кураш кучайтирилмоқда

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази томонидан “Наркотикларнинг ноқонуний тарқалишига қарши кураш” мавзусида пресс-тур ташкил этилди.

Мазкур тадбир доирасида журналист-лар Навоий божхона пости, Тошкент элек-трон тижорат божхона пости, Миллий ки-нология маркази ҳамда Божхона лабора-торияси фаолияти билан танишди.

— Ушбу ташрифдан қўзланган асосий мақсад оммавий ахборот воси-талари орқали гиёҳвандликка қарши ку-рашиш соҳасидаги долзарб масалалар-ни очик ёритиш, шунингдек, бу йўна-лишда амалга оширилаётган ислохот-

лар натижаларини жамоатчиликка ет-казишдан иборат, — дейди марказнинг матбуот котиби Мафтуна Едгорова. — Тур давомида журналистларни қизиқ-тирган барча саволларга тегишли му-тахассислар батафсил жавоб берди.

Шуни айтиш керакки, жорий йилнинг 9 ойда юртимизга 1 тонна 555 кг. нар-котик модда контрабанда йўли билан олиб ўтилишига чек қўйилган.

Сенат қўмитасида

СПОРТ МАЙДОНЧАЛАРИ ВА БОЛАЛАР ҲАЁТИ



Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Андижон вилоятида спорт майдончалари ва болалар ўйингоҳларини ташкил этиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш борасида амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Дастлаб кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокими ўрин-босарининг ахбороти эшитилди. Таъкидланганидек, ушбу соҳага 2022 — 2024 йилларда ҳамда жорий йилнинг 9 ойида 23,8 млрд. сўм ажратилади, вилоятда 130 та спорт майдончаси қурилган. Шунингдек, вилоятдаги кўп қаватли уйларга тўташ ёр участкаларига 62 та болалар ўйингоҳи янгидан қурилган ва мавжуд 15 таси қайта таъмирдан чиқарилган. Маҳаллаларга (909 та) спорт мактаби мураббийлари бериқтирилган ҳамда зарур спорт жиҳозлари ажратилиб, ёшлар етакчилари назорати остида улардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Вилоятдаги спорт майдончаларида бир вақтнинг ўзида 18 минг-

лат комиссияси томонидан қабул қилингани ачинарлидир. Майдончалар юз қисмидаги резина қопламаларининг кўчиб кетиши, спорт жиҳозларининг тез синиб қолаётганилиги ҳамда хавфсизлик тўрларининг сифатсизлиги сабабли айрим спорт майдончалари яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Болалар ўйин майдончалари жиҳозларининг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентнинг ҳалигача тасдиқланмаганлиги сабабли ушбу майдончалар жиҳозлари ва қопламалари, улар билан боғлиқ бўлган лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, фойдаланиш ҳамда сақлаш учун хавфсизлик талабларини белгиллаш тўқсинлик қилмоқда. Кўп квартирали уйлари бошқариш органлари ўзига қарашли уйларга тегишли бўлган болалар ўйингоҳларининг техник ҳолатини сақлаш, тазалигини таъминлаш ва уларни таъмирлаш ишларини доимий амалга оширмагани оқибатида айрим ўйингоҳлар фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Мажлис якунида Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг Андижон вилоятида спорт майдончалари ва болалар ўйингоҳларидан самарали фойдаланиш борасида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган қарори қабул қилинди.

Сенаторлар — ҳудудларда

МАҲАЛЛАЛАРДА КРИМИНОГЕН ҲОЛАТ ЎРГАНИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Фарғона вилояти маҳаллаларида хавфсиз муҳитни шакллантириш, криминоген вазиятни барқарорлаштириш, ижтимоий профилактика тизимини кучайтириш ҳамда коррупция, шу жумладан, маиший коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганди.

Ўрганишлар давомида вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мутасадди ташкилотлар масъуллари, “маҳалла еттичилиги” аъзолари, маҳалла фаоллари ҳамда жамоатчилик вакиллари ҳамроҳлигида жойлардаги ҳолат таҳлил қилинди. Хусусан, профилактик чоралар самардорлигини ошириш, аҳоли билан юзма-юз мулоқотни кучайтириш, жиноятчиликка сабаб бўлаётган омилларни бартараф этиш, давлат хизматларини кўрсатишда очиклик ва жавобгарлиқни таъминлаш, шунингдек, маиший коррупция ҳолатларининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ишчи гуруҳ аъзолари Қўқон, Марғилон дехқон бозорлари ва бир қатор савдо мажмуаларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишди. Бозорлар фаолиятини рақамлаштириш орқали шаффофлиқни таъминлаш, маиший коррупция ҳолатларининг олдини олиш ҳамда тадбиркорлар учун қулай иш билармонлик муҳитини яратиш бўйича тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди. Сенатор халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдаги ўн туртинчи сессиясида ҳам иштирок этди. У ўз чиқишида ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва криминоген вазиятни барқарорлаштириш бўйича амалга оширилган ижобий ишларга ургу берди. Шунингдек, “маҳалла еттичилиги” фаолиятида йўл қўйилган айрим камчилик ва муаммолар танқидий таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгилан берилди.

«Халқ сўзи».

Конунчилик палатаси қўмиталарида

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан “Меҳр-мурувватга асосланган янги тарбия тизими” мавзуида семинар ташкил қилинди.



МЕҲР-МУРУВВАТГА АСОСЛАНГАН ТАРБИЯ ТИЗИМИ

Унда депутатлар, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар оғмулдс-мани), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Тошкент вилояти ҳокими мутасаддилари, вазирилик ва идоралар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди. Семинарда мамлакатимизда етим ва ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларни тарбиялаш бўйича тубдан янгиланган тизимнинг жорий қилингани, болаларни жойлаштиришнинг оилавий ҳамда бошқа муқобил шакллари амалиётга татбиқ этилгани, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратилаётгани ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, бир қатор вазирилик ва идоралар масъулларининг “Оилавий болалар уйлари фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори ихроси юзасидан ахборотлари эшитилди. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда Ўзбекистон бўйлаб 225 та оилавий болалар уйи фаолият юритмоқда. Уларнинг 158 тасида 608 нафар бола тарбияланмоқда. Давлат бюджетидан оилавий болалар уйида тарбияланаётган 7 ёшгача бўлган болаларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари, 7 ёшдан катта болалар учун шу миқдорнинг етти баравари даражасида маблағ ажратилмоқда. Таъкидланганидек, болаларни нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларда мустақил фикрлаш, меҳнат қилиш, рўзгор юритиш, ижтимоий ҳаётга мослашиш каби ҳаётий қўнимчаларни шакллантириш муҳим ҳисобланади. Депутатлар бу борада олиб борилаётган ишлар ҳолати билан қизиқди. Масъулларнинг маълум қилишича, оилавий болалар уйларида тарбияланаётган болалар учун соғломлаштириш оромгоҳларига бепул йўллама, тарихий шаҳарларга текин саёҳат, пулсиз тиббий қўрик имкониятлари яратилган. Бу нафақат уларнинг соғлом ўсиши, балки билим ва дунёқарашларини кенгайтириш, ватанпарварликни шакллантиришга ҳам хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, оилавий болалар уйларида тарбияланувчи ўғил-қизларни ижтимоий мослаштириш, уларни муҳофаза этиш, умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, меҳнат қилиш, маиший-ҳўжалик, рўзгор юритиш билан боғлиқ иқтисодий қўнимчаларни шакллантириш, мустақил ҳаётга тайёрлаш ҳамда касб танлаши учун шарт-шароитлар яратилган. Якунда етим болалар ва ота-она қарамоғидан махрум бўлган ўғил-қизларни тарбиялаш ҳамда болаларни жойлаштиришнинг оилавий ва бошқа муқобил шакллари янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича фаол ҳамкорлик қилишга келишди.

КОРРУПЦИОН ОМИЛЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг санитария-эпидемиологик осойишталик ва аҳоли саломатлигини сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашиш ҳамда уни бартараф этиш борасида амалга оширилган ишлар ҳолатини Тошкент ва Сирдарё вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Мамлакатимизда санитария-эпидемиологик осойишталик ва аҳоли саломатлигини сақлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бу йўналишда потенциал хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш, юқумли касалликларнинг табиий ўчоқлари устидан эпидемиологик мониторинг ва эпидемиология қарши профилактик тадбирларни самарали ташкил этиш бўйича ахилит тизим яратилди. Ўрганишларда санитария-эпидемиологик осойишталик ва аҳоли саломатлигини сақлаш тизимида рухсат берувчи ҳужжатларни тақдим этиш, қонунчиликда белгиланган тартибда объекتلарда текширишлар ўтказиш, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бузилгани аниқланган ҳолатларда лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш масалалари таҳлил этилди. Шунингдек, давлат харидларини амалга ошириш, кадрларни ишга қабул қилиш ва бошқа масалаларда коррупция омилларининг олдини олиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар атроф-лича ўрганилди. Муҳокамада депутатлар томонидан тизимда коррупцион ҳолатларнинг олдини олишда коррупцияга қарши курашиш бўлиминиси фаолияти самарадорлигини ошириш, “муаммони аниқлаш ва бартараф этиш” амалиётиндан “муаммонинг олдини олиш” тамойилларига асосланган самарали профилактика тизимини йўлга қўйиш, рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, сунъий интеллект ва рақамли технологияларни амалиётда кенг қўллаш, кадрларни танлаб олишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича тавсиялар берилди.

БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА САМАРАЛИ ЁНДАШУВ

Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси томонидан олий таълим ва касб-хунар муассасалари, мактаб битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, шунингдек, ўқувчиларнинг мактабдан ташқари вақтларини мазмунли ўтказиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳолатини Андижон вилояти мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Мамлакатимизда ёшлар бандлигини таъминлаш, олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг меҳнат бозорига интеграциясини кучайтириш, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, таълим соҳасига оид муносабатларни тартибга солуви ҳуқуқий база яратилиб, доимий такомиллаштириб боришмоқда. Хусусан, “Таълим тўғрисида”ги ва “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонунлар билан таълим соҳасидаги ва иш ўринларини ташкил этиш борасидаги муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди. Йиғилишда қайд этилганидек, 2025/2026 ўқув йилида вилоятдаги 11 та давлат олийгоҳида жами 81 482 нафар талаба таҳсил олмақда. Бу йилда Андижондаги ОТМларни жами 10 943 нафар битирувчи тамомлаган. Ҳозир уларнинг 8 507 нафари ёки 77,7 фоизининг бандлиги таъминланган. Бугунги кунда вилоят олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси томонидан 56 та касбий таълим ташкилотиде жами 5 029 нафар ишсиз аҳоли касб-хунар ва тадбиркорлик қўнимчалари рига ўқитиш учун жалб этилган. Шундан 4 106 нафари ушбу қисқа мудатли ўқув курсларини тамомлаган бўлса, қолган 923 нафари касб-хунар ўқиниб қолмоқда. Айни чоғда вилоятда 823 та умумий ўрта таълим мактаби, шундан 17 та иختисослаштирилган, 2 таси Президент ва ижод мактаби, 763 та умумтаълим ва 41 та хусусий мактаб фаолият олиб бормоқда. Бугунги кун ҳолатига кўра, жами 38 836 битирувчидан 34 561 нафари ишга бўлган. Муҳокама давомида депутатлар соҳада эришилган ютуқлар билан бирга, ўрганишлар давомида айрим камчиликлар кузатилаганини қайд этидилар. Олий таълим муассасаларининг битирувчи талаба-ёшларини меҳнат бозорига интеграция қилиш, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган ишларни янада жадаллаштириш бўйича қатор тақлифлар берилди. Шу билан бирга, қўмита йиғилишларида вазирилик ва идораларнинг ҳисоботларини мунтазам муҳокама қилиб бориш, фаолият самарадорлигини баҳолаш ҳамда камчиликларни ижобий ҳал этиш бўйича зарур чоралар қўриш юзасидан вазифалар белгилан олindi.

«Халқ сўзи».

ОҚИЛОНА СИЁСАТНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАСИ

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги босқичга кўтарилаётгани эътиборига молик. Бу жараён, аввало, давлатимиз раҳбарининг очик ва прагматик ташқи сиёсати ҳамда “Ўзбекистон — ишончли ҳамкор ва масъулиятли иштирокчи” тамойилига асосланган дипломатия самарасидир.

Аёнки, 1999 йилда кучга кирган ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги келишув ўша давр учун муҳим тарихий ҳужжат бўлган. Аммо у кўпроқ рамкавий хусусиятга эга, яъни ҳужжатда умумий йўналишлар белгиланган, аммо амалий механизмлар аниқ баён этилмаган эди. Бу эса ўтган йилларда ҳамкорлиқнинг қўлами ва самарадорлиги чекланишига олиб келди. Янги Кенг қамровли шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги келишув (EPCA) эса тубдан янгича мазмунга эга. Бу ҳужжат нафақат сиёсий мулоқотни, балки савдо, инвестициялар, рақамли иқтисодиёт, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт, энергетика ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлиқни ҳам қамраб олади. Яъни у Европадаги илгор иқтисодий ва ҳуқуқий стандартларга яқинлашшни кўзлайди. Бу келишув Ўзбекистон учун янги имкониятлар эшигини очди. Биринчидан, у товарлар ва хизматлар савдосини кенгайтиради, техник тартибга солиш ва божхона маъмурияти соҳасида ҳамкорлиқни чўқурлаштиради. Иккинчидан, Европа Иттифоқининг “GSP+” тизими орқали юртимиз ишлаб чиқарувчилари 6 мингдан ортиқ турдаги махсулотларни кўнақа бозорига божсиз етказиб бериш имкониятига эга бўлди. Ушбу имтиёз 2027 йилгача узайтирилгани ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, у савдо ва инвес-

Муносабат

Ўзбекистон — ЕИ: ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бунинг ҳамкорликка интилаётган давлатлар ва халқаро ташкилотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, жаҳон сиёсатида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган 27 та давлатни бирлаштирган Европа Иттифоқи (ЕИ) билан муносабатлар бунинг ёрқин ифодасидир.

Зеро, юртимиздаги демократик ўзгаришлар Европа давлатлари билан муносабатларни сезиларли даражада яхшилади. Иқтисодий ислохотлар Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини кўтарди, инвесторлар ишончини рағбатлантирди ва Европа бизнес вакилларининг қизиқишини оширди. Кейинги етти йилда товар айирбошлаш икки баробар қўлайгани, Европа сармояси иштирокидаги қўшма корхоналар сонинингдан ошгани инвесторларнинг Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларга ишончи ортиб бораётганини аниқлади. Ўз навбатида, европаллик ҳамкорлар мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва тубдан ислоҳ қилиш, илгор технологиялар, корпоратив бошқарув стандартларини жорий этиш ҳамда инновацион ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўмаклашмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 23-24 октябрь кунлари Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйеннинг тақлифига биноан Брюссель шаҳрига расмий ташрифи кўп қиррали алоқаларни янада кенгайтириб, икки томонлама муносабатлар ва ҳамкорлик тарихида ҳал қилувчи босқич бўлиши, шубҳасиз. Бинобарин, унинг доирасида Европа Иттифоқи пойтахтида ушбу бирлашманинг асосий институтилари раҳбарлари билан музокаралар олиб борилди. Технология ва саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича қўшма режаларни амалга ошириш мақсадида Европанинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди. Ташриф жараёнидаги муҳим воқеалардан бири — Президентимиз Шавкат Мирзиёев, Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен иштирокида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида “Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида”ги битимнинг имзолангани бўлди. Маълумот учун айтиш жоизки, янги битим лойиҳаси бўйича музокаралар 2019 йил февраль ойида бошланиб, 2022 йил июль ойида якунланган эди. Ҳужжат 2022 йил 6 июль кунин Брюссель шаҳрида парафинланганди. Яъни ҳужжатни имзолаш бўйича музокаралар тўлиқ

яқунланиб, уни расмий имзолаш қисми қолганди. Тўққиз бўлим, 356 та модда ва 14 та иловадан иборат битим икки томонлама муносабатларнинг деярли барча соҳаларини қамраб олиб, сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо ва инвестициялар, барқарор ривожланиш, фан ҳамда таълим, инновациялар ва юқори технологиялар, атроф-муҳит ҳамда иқлим ўзгаришига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу битим оддий дипломатик ҳужжат эмас, балки у Ўзбекистон ва ЕИ давлатлари ўртасида кенг қамровли иқтисодий, ижтимоий ҳамкорлик йўналишларига асос бўлади. Бошқача айтганда, мамлакатимизда ишлаб чиқилган махсулотларга Европа бозорлари кенгрок очилади, тадбиркорларга божхона иши соддалаштирилади. Техник тўсиқлар қамайтирилиб, юртимизга Европа инвестициялари оқими эркинлашади. Айниқса, фуқароларимиз учун виза талаблари соддалаштирилиб, таълим, фан, сунъий интеллект, стартаплар ва рақамли хавфсизлик соҳаларида янги ҳамкорлик эшигини очади. Натияжада мамлакатимизда истикболли лойиҳалар ишга туширилади. Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми сўнгги беш йил ичиде икки баробардан кўпроқ ўсди ва 2024 йилда Германия 6,4 млрд. еврога етди. Бунда Франция, Германия, Бельгия ва Италиядан келган компаниялар тўқимачилик, қайта тикланадиган энергия ва логистика каби соҳаларда ўз фаолиятини кенгайтирмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон ва ЕИ муносабатларида эришилган асосий ютуқлардан яна бири мамлакатимизнинг умумий имтиёзлар тизими — “GSP+” доирасида бенефициар мақомига эга бўлиш. Бу тизим Ўзбекистон махсулотларини Европа бозорига имтиёзли шартларда экспорт қилишга йўл очди.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган битим ўзаро ҳамкорлик муносабатларида янги босқични бошлаб бериш баробарида, кўп қиррали шериклиқни амалга ошириш бўйича кенг имкониятлар эшигини очиб, барча соҳадаги алоқаларга кучли суръат бағишлайди.

Хушхабар ҲАЙОТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

IT-парклар ва сунъий интеллект: РАҚАМЛИ ТАРАҚҚИЁТГА ЕТАКЛОВЧИ ЛОКОМОТИВ

Бугунги кунда рақамли технологиялар ҳаётимизга шунчалик сингиб кетдики, нафақат кундалик фаолиятимиз, балки ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожини ҳам уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозир улар тараққиётнинг асосий локомотивларидан бирига айланмоқда.

Мулоҳаза

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётини фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ ҳўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замонавий давлат бошқаруви рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш бошқарув фаолияти самарадорлигини оширибгина қолмай, балки унинг очиклиги, сифатини яхшилаб, жамоатчиликка давлат ҳокимияти органлари фаолияти шаффофлигини кузатиб бориш имконини яратди. Мухими, улар нафақат замонавий бошқарувни таъминлайди, балки аҳоли турмуш даражасини юксалтириш ва янги

иш ўринлари очишга ҳам хизмат қилади. Сўнгги йилларда юртимизда рақамли технологиялар ривожини учун яратилган кенг имкониятлар бугун ўз самарасини бераётир. Барча ҳудудларда IT-парклар очилди, улар учун алоҳида солиқ режими жорий этилди. Бу орқали минглаб ёшлар юқори даромадли иш билан таъминланди. Соҳада ўзини ўзи банд қилган мутахассислар сонини ҳам ошмоқда. Охириги беш йилда соҳа экспорти 170 млн. доллардан 1 млрд. долларга яқинлашди. Интернет тезлиги 7 баробар, мобиль интернет эса 4,5 баробар ошди. Ўтган йили соҳадаги стартапларга 70 млн. доллар венчур инвестиция киритилди. Натияжада “Глобал стартаплар индекси” рейтингинда Ўзбекистон 12 поғона юқорилаб, “ТОП — 100”ликка кирди. “Сунъий интеллектга тайёрлик” халқаро индексида юртимиз

хит яратилишига туртки беради. Айтиш жоизки, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ, 300 мингдан ортиқ ёшларни ахборот технологиялари соҳасида юқори даромадли иш билан таъминлаш мақсад қилинган. Хорижий экспертлар фақатгина сунъий интеллект йўналишининг ўзида Ўзбекистоннинг салоҳиятини 10 млрд. долларга баҳоламоқда. Ушбу лойиҳага кўра, “IT-Park” ҳудуди 1,5 баробар кенгайтирилди. Бу ерда Саудия Арабистонининг “Data Volt” компанияси билан ҳамкорликда қуввати 12 мегаватт бўлган, 150 млн. долларлик дата-марказ барпо этилади. Кейинги босқичларда яна 3 млрд. доллар инвестиция киритилиб, қувват 500 мегаваттга етказилади. Ҳудудда жами 6 та бино — Сунъий интеллект маркази, Космос ва келажак технологиялари марказлари, 2 та 20 қаватли офис биноси, шунингдек, сервис ва савдо марказлари қурилади. Умуман олганда, мазкур мажмуа энг замонавий технологиялар, инновациялар ва билимларга асосланган “Сунъий интеллект хаби”га айланади.

Дияр ҲУСАНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Польша пойтахтида «Марказий Осиёга дарвоза: Ўзбекистонда бизнес қилишнинг янги уфқлари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЮКСАЛИШНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимга эътибор, уни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши бежиз эмас. Негаки, мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу йўналишда қўлга киритилаётган ютуқлар билан чамбарчас боғлиқ.

Юртимизда сўнгги йилларда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида узлуксиз ўқув тизимини янада такомиллаштириш, малакали, жаҳон талабларига мос кадрларни тайёрлаш бўйича катта ислохотлар амалга оширилляпти. Янги боғча ва мактаблар куриш, замонавий ўқув дастурларини ҳаётга татбиқ этиш, таълим сифатини бойитиш борасида қилинаётган ишлар хорижлик эксперт ва мутахассислар томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда.

Нуктаи назар

Ёш авлодга эътиборнинг илк поғонаси



машаққатли, юксак сабр ва матонат талаб қиладиган касб, шу сабабли ҳам унинг ажру савоби беқиёс. Таълим фидойиларини эъзозлаш, уларнинг меҳнатини қадрлаш ҳар доим давлатимиз раҳбарининг нигоҳида, назоратида. Шунинг учун ҳам, мактаб таълимини тубдан яхшилаш ва унинг сифатини ошириш, ўқитувчиларга муносиб шароит яратиш борасида олиб борилаётган ислохотлар жадал давом эттирилмоқда. Муаллимларнинг фидокорона меҳнатлари давлатимиз томонидан қадрланиб, уларга катта имтиёзлар берилмоқда.

Сўнгги йилларда ўқувчиларимизнинг математика, кимё, биология, инглиз тили, немис тили фанларидан халқро фан олимпиадаларида голиб бўлаётганига гувоҳимиз. Бу ҳам жонқуяр педагогларнинг ўз касбига меҳрининг натижаси, берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб қилаётган тинимсиз меҳнатларининг самараси.

Мактаб битирувчиларининг олий ўқув юртига кириши йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Шу билан бирга, талабалик бахтига муюссар бўлмаган битирувчиларга тўғри йўл кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимий диққат марказидаги масала. Бундай ёшларни профессионал таълим билан қамраб олиш, кам харажат қилиб, кўп даромад оладиган замонавий касбларга ўргатиш тизимли йўлга қўйилган.

Ривожланган давлатлар тажрибаси асосида мактаб ўқувчиларини касбга тайёрловчи устахоналар ташкил қилиниб, хорижий тилларни ўргатиш кенгайтирилмоқда. Ҳозирги кунда чекка қишлоқларда ҳам мактаб ўқувчилари бир нента хорижий тилларда бемалол сўзлашади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 600 га яқин техникумлар бор. Лекин уларга ёшларнинг қизиқиши паст. Шунинг учун ҳам Президент ва иختисослаштирилган мактаблар тажрибаси асосида барча техникумларда халқро стандарт бўйича замонавий касбга ўқитиш муҳити яратилляпти.

Шу аснода соҳага “дуал таълим” тушунчаси кириб келди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги

Қонунига “дуал таълим” билим олиш шаклларида бири сифатида киритилди.

Ўрта бўғин кадрлари — етакчи куч

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан маълумки, иқтисодиётни ривожлантиришда ўрта бўғин кадрларининг ўрни алоҳида ҳисобланади. Ишлаб чиқариш, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишчи, касб ва мутахассисликларга бўлган эҳтиёж жуда юқори. Бугунги кунда ушбу тизим Германия, Австрия, Швейцария, Корея Республикаси каби мамлакатларнинг иқтисодиёти раванқида катта ўринга эга.

Жаҳонда тўпланган илғор тажрибалардан келиб чиқиб юртимизда ҳам дуал таълимни ривожлантириш долзарб. Зеро, бу Ўзбекистон келажиги бўлган навқирон авлодни ёшлигидан ўқиш билан бирга меҳнат қилишга ўргатишга, назарий билимларини амалиётда қўллаб, керакли кадрлар бўлиб етишишига, уларнинг онгига меҳнати орқасидан ҳалол даромад топиш тушунчаларини сингдиришга ҳисса қўшади.

Энг муҳим янгиликлардан бири — олийгоҳлар ва таълим тизимининг қуйи бўғинлари ўртасидаги узвийликни кучайтириш бўйича муҳим қадамлар ташланаётгани. Жумладан, 65 та академик лицейнинг олий ўқув юртлари тасарруфига ўтказилиши, 187 та техникум ўз йўналиши бўйича турдош олийгоҳ ва тармоқ корхоналарига бириктирилиши айни шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Олий таълим тизими ҳам замон андозаларига мос тарзда тараққий эттириляпти. Пировадларида олийгоҳларнинг билим бериш фаолияти янада такомиллашиб, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган илм сари интилиш фазилати янада кучайишига туртки бўлмоқда.

Қувонарлики, ёшларимиз соғлом ва фаровон турмуш кечириш, эгаллаган касби бўйича доимий иш ўрнига эга бўлиш, масъулиятни ўз зиммасига олиш, лўнда айтганда, қомилликка эришиш учун харажат қилляпти ва бу жараёнда билим олишни энг асосий шарт сифатида қўймоқда.

Кейинги йилларда олий таълимнинг қамрови ва сифатини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Нуфузли хорижий университетлар, илмий ва инновацион марказлар билан алоқалар кучайтириляпти. Ёшларимиз, олий ўқув юртларида дарс берувчи профессор-ўқитувчиларнинг хорижда малака оширишлари учун қўлайликлар яратилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан олий таълим ташкилотлари учун академик ва ташкилий, шунингдек, молиявий мустақилликнинг берилиши ҳамда Кенгашлар ва коллатларнинг кенгайтирилигани таълим хизматлари бозорида соғлом рақобатли муҳитни яратиш, олий таълим мазмунини

Ўзбекистонда ёшларни қўллаб-қувватлаш, таълимни ривожлантириш, билимли кадрларни етиштириш, буюк аждодларимиз каби Ўзбекистон номини дунёга илм орқали олиб чиқиш йўлида асрларга татигулук ишлар қилияпти. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, **тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюқ қиладиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир.**

Жасор РИЗАЕВ,

Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, профессор.

сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, юқори малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш учун замин бўлмоқда.

Университетимиз — ТОП мингталиқда

Самарқанд давлат тиббиёт университети мисолида гапирадиган бўлсак, бу ерда талабаларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароит, ўқув аудиториялари, лабораториялар, симуляцион марказлар, клиник базалар жаҳон андозаларига мос ҳолатда ҳозирланди. Регистратор офиси ташкил қилиниб, барча жараёнлар рақамлаштирилди.

Университет томонидан талабаларнинг ва профессор ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини кўтариш, амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш ҳамда халқро тажриба алмашишувини йўлга қўйиш мақсадида тизимли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, имзосанган ҳамкорлик меморандумларига асосан ҳар йили Россия Федерацияси, Италия, Япония, Ҳиндистон, Франция, Корея Республикаси, Ҳитой каби давлатларнинг етакчи тиббиёт олийгоҳлари, клиник базалари ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларига стажировкалар уюштириляпти. Хусусан, талабаларимиз ва ёш олимларимиз халқро симуляцион тренингларида, клиник амалий машғулотларда ва семинарларда фаол қатнашиб, хорижий мутахассислар билан фикр алмашиб, таълилий ёндашувлар асосида ишлаш ҳамда жамоатда касбий кўникмаларини такомиллаштириш имкониятига эга бўляпти.

Университетда юртимиз таълим тизимидаги ислохотларга ҳамоанг тарзда олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. СамДУ 2021 йил халқро ISO сертификатини, 2024 йил “ЕСАQA” сертификатини қўлга киритди. Жорий йилда эса дунёнинг энг нуфузли халқро рейтинг тизимларидан бири ҳисобланган “Times Higher Education (THE)” томонидан эълон қилинган “THE Impact Rankings 2025” натижаларига кўра, илк бор тиббиёт йўналишида дунёнинг энг яшии 1000 та олий таълим муассасаси (601 — 800 ўринлар оралиғи) рўйхатида эътироф этилди.

Ушбу нуфузли рейтингда сезиларли даражада кўтарилиш давлатимиз раҳбари томонидан олий таълимга берилаётган эътибор самараси бўлиб, бугунги кунда Ўзбекистонда таълим жараёни, ёшларнинг билимли бўлиб қамол топиши учун яратилётган имкониятлар жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам қузабди боришмоқда ва эътироф этилмоқда. Шу йил 24 сентябрь кунин Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясида сўзлаган нутқида педагогларнинг ўзаро тажриба ва билим алмашиши учун ягона халқро платформани яратиш мақсадида Ўзбекистонда Бутунжаҳон профессионал таълим саммитини ўтказиш тақлифи юқори даражада қўллаб-қувватлангани сўзимиз исботидир.



«Марказий Осиё — АҚШ» саммити ўтказилишига чақириқ

Бу йил “Марказий Осиё — АҚШ” дипломатик форуми ташкил этилганига ўн йил бўлади. АҚШ Конгресси аъзолари Сидни Камлагер-Дав ва Билл Ҳюизенга Президент Дональд Трампга Вашингтонда “С5+1” етакчилари саммитини ўтказишга чақирувчи мактуб йўллади.

Бу ҳақда конгрессвумен С. Камлагер-Дав расмий сайтида хабар берилди.

Мактубда форум юбилеи Марказий Осиё билан ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва минтақадаги АҚШ стратегик манфаатларини — хавфсизлик, иқтисодиёт, “юмшоқ куч” ва бошқарув соҳаларида илгари суриш учун ноёб имконият экани таъкидланган.

“Президентнинг “С5+1” саммитидаги шахсий иштироки форумнинг 10 йиллигини муҳим дипломатик воқеликка айлантириши ва Марказий Осиё — АҚШ муносабатларининг кейинги ўн йилликдаги йўналишини белгилаб бериши мумкин”, дейилади конгрессменлар мактубида.

Эслашиб ўтамыз, 2015 йилда Самарқанда ташкил этилган “С5+1” форуми Қўшма Штатлар ва Марказий Осиёнинг бешта давлати ҳамкорлиги учун кўп томонлама платформа бўлган.

Инсониятнинг оғриқли муаммоси

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2025 йилга мўлжалланган асарлари, тинчлик ва хавфсизлик бўйича ҳисоботида келтирилишича, 1946 йилдан буюн энг кўп қуролли моҳаролар айни даврда қузатилмоқда. Бу эса айниқса, аёллар ва қизлар учун катта синовга айланмоқда.

Тақлилчиларнинг фикрича, 676 млн. аёл моҳаро зоналаридан 50 километр узоқликда истиқомат қилади. Бу 1990 йиллардан бери энг юқори кўрсаткичдир. Ҳисоботга кўра, аввалги икки йиллик даврдигига нисбатан аёллар ва болалар ўлимни тўрт баравар кўпайган. Айтилишича, аёлларнинг музокараларда иштироки тинчликни мустаҳкамлашга яхшигина

ҳисса қўиши илмий жиҳатдан исботланган бўлса-да, аёллар ҳамон қарор қабул қилиш жараёнидан деярли четда қолмоқда. Масалан, 2024 йилда ўрта тинчлик жараёни ўтказилган бўлса, унинг тўққизтасида ҳатто битта ҳам аёл музокарачи бўлмаган. Аёллар галда микёсда музокарачиларнинг атлиги 7 фоизини, воситачиларнинг эса 14 фоизини ташкил этган.

Яна бир давлатда тақиқ

“Reuters” нашрида хабар беришларича, Янги Зеландия парламенти ўсмирлар учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни чекловчи қонун лойиҳасини кўриб чиқмоқчи.

Унга кўра, 16 ёшдан кичик болаларга ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш тақиқланади. Шунингдек, “Facebook” ва “TikTok” каби компаниялар фойдаланувчиларнинг ёшини текшириш мажбуриятига эга бўлади.

Янги Зеландия Миллий партияси депутати Кэтрин Уэдд бундай ҳужжат Австралияда кучга кирганини таъкид-

лаб, қўшни давлат намунаси асосида бу қонунни мамлакат парламентига киритишни таклиф қилди. Бош вазир Кристофер Локсоннинг айтишича, ижтимоий тармоқлардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш ўсмирларга салбий таъсир кўрсатиб, уларда стресс, таъийқ ва ўз-ўзини баҳолаш муаммоларини келтириб чиқаради.

Ла-Манш туннелида икки қаватли поездлар қатнайди

“Eurostar” темир йўл компанияси мутасаддилари янги режани эълон қилди. Қиймати 2 млрд. евролик режага кўра, Буюк Британия ва Германияни боғловчи Ла-Манш туннелида икки қаватли поездлар қатнови йўлга қўйилади.

Компания 30 та икки қаватли янги поездга бюртма берган. Келажикда, яна 20 та поезд ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Ушбу айниланш “Eurostar”нинг йиллига 30 млн. йўловчига хизмат кўрсатиш мақсадининг бир қисмидир.

Айтилишича, янги поездлар мавжуд тўй сизимини 20 фоизга оширади. Ла-Манш туннелида 400 метрлик

узунликда ҳаракатланадиган ҳар бир янги поездда тахминан 1 080 та ўрин бўлади. Дастлабки поездлар 2031 йил январь ойда етказиб берилади, тижорат йўловчи рейслари эса 2031 йил май ойда бошланиши кутилмоқда.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

РЕКЛАМА

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
TOSHKENT ARXITEKTURA-QURILISH UNIVERSITETI

2026-yil uchun oliy ta’limdan keyingi ta’lim institutiga quyidagi ixtisosliklar bo’yicha qabul e’lon qiladi:

Ixtisosliklar	Doktorantura	Tayanch doktorantura	Stajyor-tadqiqotchi
05.09.01 — Qurilish konstruksiyalari, bino va inshootlar	1	3	0
05.09.05 — Qurilish materiallari va buyumlari	1	2	0
05.09.08 — Qurilish texnologiyasi va qurilish jarayonlarini tashkil qilish	1	1	0
08.00.03 — Sanoat iqtisodiyoti	0	2	0
08.00.13 — Menegment	0	2	0
11.00.07 — Geoinformatika	0	1	0
18.00.01 — Arxitektura nazariyasi va tarixi. Arxitektura yodgorliklarini ta’minlash va tiklash	0	3	0
18.00.02 — Rayonlashtirish. Shaharsozlik. Qishloq turarjoylarini rejalashtirish. Landshaft arxitekturas. Bino va inshootlar arxitekturas	0	2	0
18.00.02 — Rayonlashtirish. Shaharsozlik. Qishloq turarjoylarini rejalashtirish. Landshaft arxitekturas. Bino va inshootlar arxitekturas (Texnika fanlari)	1	6	0

Hujjatlar 2025-yilning 5-noyabr kunigacha qabul qilinadi.
Kirish imtihonlari joriy yilning 10 — 25-noyabr kunlari o’tkaziladi.
Eslatma: talabgorlar daraja.ilmiy.uz yagona elektron platforma orqali ro’yxatdan o’tishlari lozim.
Manzil: 100100, Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Yangi shahar ko’chasi, 9-uy.
TAQU Oliy ilm-fan maktabi. Elektron pochta: a.metyakubov@taqu.uz

Talabgorlar taqdim etadigan hujjatlar ro’yxati: DOKTORANTURA (DSc)

- qisqacha biografik ma’lumotnoma (ob’ektivka);
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- oliy ma’lumot, fan nomzodi yoxud falsafa doktori (PhD) yoki xorijiy davlatlarda unga tenglashtirilgan ilmiy darajaga ega bo’lganligi to’g’risidagi diplom nusxasi;
- tadqiqot mavzusi bo’yicha ilmiy ma’ruza va fan doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan doktorlik dissertatsiyasi rejasining mufassal bayoni;
- nashr etilgan ilmiy ishlarining nusxalari;
- xorijiy tilni bilish darajasini belgilovchi milliy yoki xalqaro sertifikatlar.

Doktoranturada o’qish uchun talabgorlar ixtisoslik bo’yicha suhbatdan o’tadi.

TAYANCH DOKTORANTURA (PhD)

- qisqacha biografik ma’lumotnoma (ob’ektivka);
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- magistrlik yoki oliy ma’lumot to’g’risidagi diplom nusxasi;
- nashr etilgan ilmiy ishlarining nusxalari;
- xorijiy tilni bilish darajasini belgilovchi milliy yoki xalqaro sertifikatlar;
- O’zbekiston Respublikasi Prezidenti stipendiyasi sohiblari tegishli hujjat nusxasini taqdim etadi (agar mavjud bo’lsa).

Tayanch doktoranturada o’qish uchun talabgorlar ixtisoslik bo’yicha kirish imtihonlarini topshiradi.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 10 601 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратта келган қўлашмалар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавбар.

Газета тахриратта марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тoшкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Музаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.10 Топширилди — 03.00 1 2 3 4 5 6